



Исроил археологлари бундан икки минг беш юз йил аввалги кадимий Форс шахрини топдилар. Бу ҳақда пайшанба куни Исроил кадимий ашёлар бошкармаси (IAA) маълум қилди, дея хабар беради Kazinform Xinhua агентлигига таяниб. Фаластиннинг шимолида Ўрта ер денгизи соҳилидаги ҳозирги Нагария шахри ҳудудида олиб борилган казишмалар натижасида бинолар ва кўчалар, савдо ва саноат ҳудудлари, диний макбаралар ва йирик омборлар аниқланди.

Археологларнинг фикрига кўра, узок мамлакатлардан кадимги денгизчилар - финикияликлар томонидан олиб келинган керамика идишлар, кўзалар, амфоралар ва бошқа нарсалар топилган.

Ўша даврда Форс империяси билан Кадимги Юнонистон ўртасидаги муносабатлар кескинлашган бўлса-да, шаҳар аҳолиси Ўрта ер денгизининг шарқий қисмида денгиз савдосининг марказида турган финикияликлар орқали Юнонистон билан савдо алоқаларини ушлаб турган.

Тадқиқотчилар, шунингдек, шаҳар аҳолиси бир-бири билан қурилиш бўйича билим ва тажриба алмашганини, технологияларини бўлишганини аниқладилар.

Археологларнинг фикрича, шаҳар маданияти ҳар томонлама ривожланган бўлган.

Шунингдек, у оддий форс маъмурий тизими ва юнон шаҳарлари маданияти таъсирида бўлган технологияни ўз ичига олган.

Мисол учун, саноат худудида топилган суюкликни қайта ишлаш учун гипсли хона бетон коплама технологияси асосида қурилган.

Бундай усул форслар даврида кенг тарқалмаган, у кейинги даврларда Юнонистон билан бўлган муносабатлар таъсирида пайдо бўлган.